

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Дунё-М” АЖ

ИЧМ ва СКАКМ бўйича директори

С.Н.Якубов



2022 йил « »

“Дунё-М” акциядорлик жамияти
2022 йил ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун автопогрузчик воситасида
юк ортиш, ғарамлаш ва қуриштиш хизматларини кўрсатувчи
ташкилотни электрон танлаш бўйича

Техник топширик

Қарши шаҳри – 2022 йил

МУНДАРИЖА:

- 1-БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ НОМЛАНИШИ ҲАМДА ФОЙДАЛАНИШ МАҚСАДИ
- 2-БЎЛИМ. ИШЛАР, ХИЗМАТЛАРНИНГ РЎЙХАТИ ВА УЛАРНИНГ ҲАЖМИ (МИҚДОРИ)
- 3-БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ ШАРТИ (ОРТИШ, ФАРАМЛАШ ВА ҚУРИТИШ ШАРТЛАРИ).....
- 4-БЎЛИМ . БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ МАНЗИЛИ (ЖОЙИ)
- 5-БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ НАРХИ ВА ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАРТЛАРИ
- 6-БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ МУРАККАБЛИГИНИ ИНОБАТГА ОЛГАН ҲОЛДА ИШТИРОКЧИЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР
- 7-БЎЛИМ. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ВА ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШ МУДДАТИ (ДАВРИ)
- 8-БЎЛИМ. ИШЛАР ВА ХИЗМАТЛАРНИНГ НАТИЖАЛАРИНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ
- 9-БЎЛИМ. ИШЛАР ВА ХИЗМАТЛАРНИНГ ҲАЖМИГА (МИҚДОРИГА) КАФОЛАТ БЎЙИЧА ТАЛАБЛАР
- 10-БЎЛИМ. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ВА ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА ТАЛАБЛАР.....
- 11-БЎЛИМ. ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚИСҚАРТИРИШЛАР РЎЙХАТИ.....
- 12-БЎЛИМ. ИЛОВАЛАР РЎЙХАТИ.....

1-БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ НОМЛАНИШИ ҲАМДА ФОЙДАЛАНИШ МАҚСАДИ

“Дунё-М” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – буюртмачи) 2022 йил ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун зарур бўлган хом ашё – 2022 йил ҳосилидан харид қилинган бошоқли донни ортиш, ғарамлаш ва қуриштиш мақсадида шартнома асосида автоподгрузчик воситалари ёрдамида жамиятнинг дон қабул қилиш масканлари ва очиқ майдонларида юк ортиш, ғарамлаш ва қуриштиш хизматларини кўрсатиш. Ушбу хизматларни бажариш ишлари “Дунё-М” АЖнинг 2022 йил 14 майдаги 112-сонли буйруғига асосан бажарилади.

Умумий бошоқли донни ортиш, ғарамлаш ва қуриштиш хизматлари кўрсатиш ҳажми ўртача 3000 мото/соатни ташкил қилади.

2-БЎЛИМ ИШЛАР, ХИЗМАТЛАРНИНГ РЎЙХАТИ ВА УЛАРНИНГ ҲАЖМИ (МИҚДОРИ)

Хизмат кўрсатувчи буюртмачига жамиятнинг дон қабул қилиш масканлари ва очиқ майдонларида 2022 йил ҳосилидан харид қилинган бошоқли донни ортиш, ғарамлаш ва қуриштиш хизматларини кўрсатади.

Хизматни кўрсатувчи томонидан ушбу техник топшириқда кўрсатилган ишларни бажаришга жалб қилинган автоподгрузчик воситаларининг бошоқли донни ортиш, ғарамлаш ва қуриштиш хизматларини кўрсатиш миқдори 1 суткада ўртача 10 ёки 12 мото/соатдан кам бўлмаслиги зарур.

Эслатма: Буюртмачи жойлашган манзил ва кўрсатиладиган хизматларнинг мураккаблигидан ва ишлаб чиқариш ҳажмидан келиб чиқиб, мазкур техник топшириқда кўрсатилган хизматларни бажариш учун бир нечта хизмат кўрсатувчи ташкилот жалб қилиниши мумкин. Лекин бунда бир хизмат кўрсатувчи ташкилотда 50% автопогрузчик воситаси балансида бўлиши ва ушбу ишларни бажаришга жалб қилинадиган доимий қатновда техник соз ҳолда бўладиган автопогрузчик воситаси сони 1 тадан кам бўлмаслиги шарт.

3-БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ ШАРТИ (ОРТИШ, ҒАРАМЛАШ ВА ҚУРИШТИШ ШАРТЛАРИ)

Автопогрузчик воситаларининг бошоқли донни ортиш, ғарамлаш ва қуриштиш хизматларини кўрсатиш миқдори 1 суткада ўртача 10 ёки 12 мото/соатдан кам бўлмаслиги зарур.

Иш режими – узлуксиз.

Хизмат кўрсатувчи ташкилот автопогрузчик воситалари жамиятнинг дон қабул қилиш масканлари ва очиқ майдонларида бўлиши шарт.

Бошоқли донни ортиш, ғарамлаш ва қуриштишга жалб қилинган автопогрузчик воситалари ишларни бажариш давомида техник соз бўлиши талаб этилади.

4-БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ МАНЗИЛИ (ЖОЙИ)

Бошоқли донни ортиш, ғарамлаш ва қуритиш хизматлари Ўзбекистон Республикаси Қашқадарё вилояти Қарши шаҳрида жойлашган “Дунё-М” акциядорлик жамиятининг дон қабул қилиш масканлари ва очик майдонлари манзили бўйича кўрсатилади.

5-БЎЛИМ.. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ НАРХИ ВА ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАРТЛАРИ

Хизмат нархи автоподгрузчик воситаларига дизель ва бошқа ёқилғилар, жорий ва оралик таъмирлаш хизматлари, ҳайдовчиларнинг иш ҳақи ва бошқа харажатлар хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан қопланиши инобатга олинган ҳолда бир тонна бошоқли донни ортиш, ғарамлаш ва қуритиш ишлариш қиймати 2022 йил бизнесни ривожлантириш кўрсаткичларидан келиб чиқиб белгиланади.

6-БЎЛИМ.ЖАМИЯТДА. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ МУРАККАБЛИГИНИ ИНОБАТГА ОЛГАН ҲОЛДА ИШТИРОКЧИЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

2022 йил ҳосилидан харид қилинган бошоқли донни ортиш, ғарамлаш ва қуритиш хизматларини амалга оширувчи ташкилот юк ортиш, ғарамлаш ва қуритиш хизматларини амалга ошириш бўйича ваколатли органларнинг рухсатномаси ва/ёки лицензиясига эга бўлиши шарт.

Бошоқли донни ортиш, ғарамлаш ва қуритиш хизматларига жалб қиладиган автоподгрузчик воситалари техник жиҳатдан соз бўлиши, юкларнинг шу турини ортиш, ғарамлаш ва қуритишга мос келиши, санитария, ҳаракат хавфсизлиги ва хавфсизлик техникаси қоида талабларига тўлиқ жавоб бериши зарур.

Ҳар бир автоподгрузчик воситасига тегишли малака ва тажрибага эга бўлган камида 2 тадан ҳайдовчилар бириктирилган бўлиши шарт.

Бошоқли донни ортиш, ғарамлаш ва қуритиш хизматларини амалга ошириш бўйича жамият ва шу хизматни амалга оширувчи ташкилот ўртасида тузилган шартнома амал қилиб турган даврда хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ҳайдовчилари ҳар кунлик иш фаолиятини бошлашидан олдин ўрнатилган тартибда тиббий кўригидан ўтиши зарур.

7-БЎЛИМ. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ВА ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШ МУДДАТИ (ДАВРИ)

Хизматни кўрсатиш муддати – шартнома имзоланган кундан бошлаб 7 (етти) ойни ташкил қилади.

Бошоқли донни ортиш, ғарамлаш ва қуритиш хизматлари буюртмачи ва хизмат кўрсатувчи ташкилот ўртасида ўрнатилган тартибда шартнома имзолангандан кейин юк ортиш, ғарамлаш ва қуритиш хизматларини ишларини бажариш амалга оширилади.

8-БЎЛИМ. ИШЛАР ВА ХИЗМАТЛАРНИНГ НАТИЖАЛАРИНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Бошоқли донни ортиш, ғарамлаш ва қуритиш хизматлари кўрсатган ташкилот кўрсатилган хизматлар тўғрисидаги маълумотларни ҳисобот ойдан кейинги ойнинг

бешинчи санасигача ўрнатилган тартибда кўриб чиқиш ва қабул қилиш учун буюртмачига тақдим қилади.

Юқларни ортилганлиги, ғарамланганлиги ва қуритилганлиги тўғрисидаги маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар буюртмачи томонидан тақдим қилинган юк хатлари, бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномаси ҳисобланади.

Бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома буюртмачининг автотарози ва бошқа қайд қилинадиган журналлардаги маълумотлар билан солиштирилганидан кейин буюртмачининг дон қабул қилиш масканлари ва очиқ майдонларидаги тегишли мутахассислари томонидан имзоланади.

Ҳисобот даври бўйича давлат буюртмачиси ва ишларни (хизматларни) кўрсатувчи ташкилот раҳбарияти томонидан далолатнома расмийлаштирилиб имзолангандан сўнг ишлар тўлиқ бажарилган ҳисобланади ва тўлов учун ҳисоб-фактура ёзилади.

9- БЎЛИМ. ИШЛАР ВА ХИЗМАТЛАРНИНГ ҲАЖМИГА (МИҚДОРИГА) КАФОЛАТ БЎЙИЧА ТАЛАБЛАР

Бошоқли донни ортиш, ғарамлаш ва қуритиш хизматларини амалга ошириш бўйича буюртмачи ва шу хизматни амалга оширувчи ташкилот ўртасида тузилган шартнома амал қилиб турган даврда хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ҳайдовчилари томонидан доимий равишда 1 суткада ўртача 10 ёки 12 мото/соат бошоқли донни ортиш, ғарамлаш ва қуритиш хизматлари кўрсатиши зарур.

Автопогрузчик воситаси бошоқли дон маҳсулотини тўлиқ ва сифатли ортиш, ғарамлаш ва қуритиш хизматлари кўрсатиши зарур.

10-БЎЛИМ. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ВА ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА ТАЛАБЛАР

Бошоқли донни ортиш, ғарамлаш ва қуритиш хизматларига жалб қилинган автопогрузчик воситалари тезкор бошқарув бўйича буюртмачи томонидан масъул деб белгиланган жавобгар шахснинг кўрсатмаларига амал қилиши зарур.

Хизмат кўрсатувчи ташкилот ўзи жалб қилган автопогрузчик воситаларининг тўлиқ техник бутлигини таъминлаши, юзага келган ҳар қандай нуқсонларни ўз ҳисобидан қисқа муддатда бартараф этиши учун зарурий эҳтиёт ва бутловчи қисмларнинг минимал захирасини яратиши зарур.

Жалб қилинган ҳар бир автопогрузчик воситаси бир сутка давомида камида 600 (олти юз) тонна бошоқли донни ортиш, ғарамлаш ва қуритиш хизматлари кўрсатиши зарур.

Хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан жалб қилинган автопогрузчик воситасида техник носозлик кузатилганда ва бу носозликни 12 (ўн икки) соат ичида тузатишнинг имкони бўлмаган тақдирда хизмат кўрсатувчи ташкилот бу транспорт воситасининг ўрнига бошқа автопогрузчик воситасини ажратиши зарур.

Хизмат кўрсатувчининг айби билан буюртмачининг ишлаб чиқариш жараёнида тўхталиш кузатилганда ёки хизмат кўрсатувчи ташкилот ўзига юклатилган вазифаларни етарлича бажармаганда икки томонлама тузилган ва

20% гача бўлган миқдорида хизмат кўрсатувчи ташкилотга жарима қўлланилади. Шу билан бир вақтда хизмат кўрсатувчи ташкилот билан тузилган шартномани буюртмачи томонидан бир томонлама бекор қилиш кўриб чиқилади.

Ушбу техник топшириқда кўрсатилган ишларни бажариши (хизматларни кўрсатиши) мумкин бўлган потенциал ташкилотларга мазкур ишларни бажариш бўйича танлов бошлангунига қадар буюртмачининг объектларига ташриф буюриши, иш ҳажми ва ишларни бажариш шарт-шароитлари билан жойида танишиши учун имконият яратиб берилади.

11-БЎЛИМ. ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚИСҚАРТИРИШЛАР РЎЙХАТИ

Т/р	Қисқартма	Қисқартманинг тўлиқ ёйилмаси
-	-	-

12-БЎЛИМ. ИЛОВАЛАР РЎЙХАТИ

Т/р	Илова номланиши	Варақлар сони
1.	Жамиятнинг дон қабул қилиш масканлари ва очик майдонларидаги бошоқли донни ортиш, ғарамлаш ва қуриштиш хизматлари кўрсатиш жой майдонларининг чизмаси	1
2.	Бошоқли дон маҳсулотини физик-кимёвий кўрсаткичлари	1
3.	Уруғлик донни физик-кимёвий кўрсаткичлари	1

Ишлаб чиқди:

“ERKIN RAQOBAT MASLANAT
XIZMATI” МЧЖ директори

 О.Н.Рашитов

Келишилди:


“Дунё-М” АЖ бош механиги

 Т.У.Мухиддинов

“Дунё-М” АЖ бош ҳисобчиси
ўринбосари

 С.З.Очилов

“Дунё-М” АЖ гараж мудирини

 Ш.У.Файзиёв